



# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1-2 март кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



QOŞULMAMA HƏRƏKƏTİNİN COVID-19-A QARŞI MÜBARİZƏ ÜZRƏ TƏMAS QRUPUNUN ZİRVƏ GÖRÜŞÜ

2 mart 2023-cü il  
Baki, Azərbaycan



SUMMIT OF THE NON-ALIGNED MOVEMENT CONTACT GROUP IN RESPONSE TO COVID-19

March 2, 2023  
Baku, Azerbaijan

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2 март куни Боку шаҳрида Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳининг саммитида нутқ сўзлади.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Туркменистон Президенти Сердар Бердимўхамедов, Ироқ Президенти Абдуллатиф Жамол Рашид, Ливия Давлати Президент кенгаши Раиси Муҳаммад Юнус Ал-Манфи, Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси Желька Цвијановић, шунингдек, Куба вице-президенти Сальвадор Меса, Гапон вице-президенти Роз Рапонда, Танзания вице-президенти Филип Мпанго ҳамда Жазоир Бош вазири Айман бин Абдураҳмон иштирок этди.

Халқаро ташкилотлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 77-сессияси раиси Чаба Кёрёши, БМТ бош котибининг ўринбосари Татьяна Валова, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусрав Нозирӣ, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралӣев, Осӣеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш бош котиби Қайрат Сарибай, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Ольга Алгаерова, Халқаро миграция ташкилоти бош директори Антонио Виторини, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик бош директори Рафаэль Гросси ва Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвили қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, COVID-19 коронавирус пандемияси оқибатларини енгиб ўтиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазга қилиш масалалари ҳамда пандемиядан кейинги глобал тикланиш даврида барқарор ривожланишнинг бошқа долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида сўнги йилларда инсоният пандемияга қарши курашиши, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожиаларнинг оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказаятгани билан боғлиқ тахдид ва хатарларни қайд этди.

— Бу муаммоларнинг қўламини тобора кенгайтириб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа фаолиятини янада кучайтириш тарафдорлари экани таъкидланди.

Бу каби фавқулодда ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда офат оқибатларини самарали баргараф этиш мақсадида Президентимиз Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилишни таклиф этди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ МУЛОҚОТ ГУРУҲИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Илҳом Ҳайдарович! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Бугунги Мулоқот гуруҳи саммитининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Гўзал ва бетакорор Боку шаҳрида анжуман қатнашчиларига кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик ва учрашувимизни юксак даражада ташкил этгани учун Озарбайжон Президенти хурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Озарбайжон етакчиси раислиги даврида Қўшилмаслик ҳаракатининг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи кескин ошди. Ушбу муҳим платформа доирасида мамлакатларимизнинг кўп томонлама ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Пандемия давридаги қийинчиликларга қарамастан, ўзаро бирдамлик ва ҳамжихатлигимиз янада кучайди. Ташкилот тарихида биринчи бор парламентлар ва ёшлар қанотлари ташкил этилди.

Бу ютуқларнинг барчаси кадрли ҳамкасбим Илҳом Ҳайдаровичнинг улкан саъй-ҳаракатлари ва фароғ ташаббускорлиги, аъзо давлатлар манфаатларини кўзлаб олиб борган амалий ишларининг яққол ифодасидир.

Шу ўринда Озарбайжон Президенти бугунги мураккаб вазиятга қарамастан,

мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги образини ва нуфузини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижаларга эришаётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Шу билан бирга, хурматли қардошларимизнинг тарихий адолат тикланган ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва янги-янги иншоотларни барпо этиш, аҳолига қулай шароитлар яратиб беришга қаратилган бунёдкорлик ишларини алоҳида қайд этишни истардим.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнги йилларда инсоният пандемияга қарши курашиш билан бир қаторда, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген фожиаларнинг аянчли оқибатларини ҳам ўз бошидан ўтказмоқда.

Бу муаммоларнинг қўламини тобора кенгайтириб, улар нафақат айрим давлатлар, балки бутун бир минтақаларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солмоқда. Албатта, бундай қийин ва мураккаб синовларни фақатгина биргаликда, бир-биримизни янқидан қўллаб-қувватлаган ҳолда енга оламиз.

Шу маънода, Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа доирасидаги

фаолиятимизни янада кучайтириш тарафдорлари эканини таъкидламоқчиман. Фавқулодда ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг оқибатларини самарали баргараф этиш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилишни таклиф этамиз. Биз бу институтни Ўзбекистонда жойлаштиришга тайёрмиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Пандемиядан кейинги даврда геосиёсий ва мафқуравий зиддиятлар кучайиб, уларнинг таъсирида жаҳоннинг турли нуқталарида янги нотинчлик ўчоқлари пайдо бўлаётгани барчамизни жиддий таъшишга солмоқда.

Бундан ташқари, Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистонда узоқ вақтдан бўён сақланиб қолаятган низоларнинг глобал ечимни ханузгача топилгани йўқ. Айниқса, сўнги пайтларда барча давлатларда ўсиб бораётган терроризм ва экстремизмнинг хавф-хатарига қарши Ташкилот доирасида амалий алоқаларни кучайтириш тобора долзарб бўлиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу муносабат билан биз Қўшилмаслик ҳаракатини терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича умумий саъй-ҳаракатларимизга етакчилик қилишга қарқирамиз.

Бу эса Ҳаракатга аъзо барча давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилишига қатъий ишонамиз.

Ушбу муаммоларни халқаро миқёсда тизимли мувофиқлаштириш ва самарали ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари албатта асосий ролни бажариши лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш жараёнида Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари Хавфсизлик кенгаши таркибидан доимий ўрин олиши керак.

Шу ўринда Афғонистон масаласини ҳал қилиш бўйича алгоритмларни мувофиқлаштириш учун БМТ ҳузуринда Халқаро музокаралар гуруҳини тузишга доир Ўзбекистон таклифини ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонаман.

Глобал миқёсда кун тартибидан турган яна бир муҳим масала — бу ҳамон давом этаётган ва охири кўринмаётган иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатириш.

Барчамиз жаҳон савдо алоқалари зафлашяётгани, саноат ва логистика заңжирлари узилишининг салбий таъсирини бевоосита ҳис қилаямиз. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тақчиллиги тобора чуқурлашиб бораётгани мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисо-

дий тизимлари учун жиддий синов бўлмоқда.

Минг афсуски, бундай қийин вазиятда энг катта оғирлик ва салбий таъсир, аввало, айнан ривожланаётган давлатлар зиммасига тушмоқда.

Шуни таъкидламоқчиманки, бугунги саммит каби нуфузли анжуманлар биринчи навбатда ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий қўшма дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун кенг иқтисодий имкониятлар эшигини очиб бериши лозим.

Бу хайрли режани амалга ошириш мақсадида Ташкилотимиз саммитлари арафасида Қўшилмаслик ҳаракати Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиб боришни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бундай муҳим тадбирлар инновациялар, замонавий билим ва илгор технологиялар алмасувини жадаллаштиришга, умуман олганда, тўртинчи саноат инқилоби, хусусан, ақли иқтисодиётни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Пандемиянинг салбий таъсирини, биринчи галда, унинг-ўсиб келаётган ёшларимиз ҳис қилмоқда, десак, хато бўлмайдми.

Уларнинг сифатли таълим ва профессионал билим олиш, табиий хизматлардан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятлари кескин камаймоқда. Энг ёмони, ёш авлоднинг келгусида ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига бўлган ишонч ва қатъияти сусаймоқда. Шунингдек, минглаб ёшларнинг онгу тафаккурига бузғунчи ва радикал гоялар таъсири ҳам тобора кучаймоқда.

Биз ўтган йили Тошкент шаҳрида бу масалалар ечимига қаратилган, ёшлар таълими ва тарбиясига бағишланган иккинчи глобал конференцияни ўтказдик.

Бу борада сиёсат ва режаларимизни уйғунлаштириш, тўплаган тажрибаларимиз билан ўртоқлашиш мақсадида Ҳаракатимиз ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити"ни келгуси йил жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган қўшма Самарқандда ташкил этиш ниятидамиз.

Хурматли дўстлар! Биз озарбайжонлик қардошларимизни Ташкилотимизга самарали раислиги ва саммитнинг муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор самимий табриклаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугун билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар халқларимизнинг умумий раънақи ва фаровонлигига хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

### ЯҚИН МУЛОҚОТ ХАЛҚЛАР МАНФААТИ УЧУН БАРЧА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1-2 март кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Давлатимиз раҳбари Бокуда бўлиши дастурига мувофиқ, Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг пандемиядан кейинги тинчликни тиклаш масалаларига бағишланган ялпи мажлисида иштирок этди.

Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти билан кун тартибидан икки томонлама долзарб масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қўшилмаслик ҳаракати саммити доирасида қатор учрашувлар ўтказди.

Маъзур ташриф якунлари, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Қўшилмаслик ҳаракати саммитида илгари сурилган катта аҳамиятга молик ташаббуслар халқаро экспертлар ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди.

Давоми 2-бетда



### ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

## ЕТТИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

УЛАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ҲАЁТ, ЖАМИЯТИМИЗГА УЛКАН ҚАНОТ БАХШ ЭТАДИ

Мамлакатимизда халқимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 28 февралдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди.

Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Бошланғичи 1-бетда

Давлатимиз раҳбари пандемиядан кейинги даврда геосийёси ва мафкураларий зиддиятлар кучайиб, уларнинг таъсирида жаҳоннинг турли нуқталарида янги нотинчлик учқоқлари пайдо бўлаётганини қайд этди.

— Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистонда узоқ вақтдан буён сақланиб қолаётган низоларнинг глобал ечимини ҳанузгача топилгани йўқ, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Кейинги пайтларда барча давлатларда ўсиб бораётган терроризм ва экстремизмнинг хавф-хатарига қарши Қўшилмаслик ҳаракати доирасида амалий алоқаларни кучайтириш тобора долзарб тус олаётгани алоҳида таъкидланди.

Шуни ҳисобга олиб, Қўшилмаслик ҳаракати терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларга етакчилик қилиши лозимлиги қайд этилди. Бу Ҳаракатга аъзо барча давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон етакчиси бу муаммоларни халқаро миқёсда самарали ҳал этиш ва тизимли мувофиқлаштиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг иттиҳодлари тизимлари алоқаларни асосий ролни бажариши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ни изоҳ қилиш жараёнида Хавфсизлик кенгаши таркибига Қўшилмаслик ҳаракати аъзоларининг доимий ўрни бўлиши кераклиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев глобал кун тартибидида яна бир муҳим мавзу —

давом этаётган иқтисодий инқироз асоратларини юмшатиш масаласига эътибор қаратди.

— Озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий тизимлари учун жиддий синов бўлмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Минг афсуски, бундай қийин вазиятда энг катта оғирлик ва салбий таъсир, аввало, айнан ривожланаётган давлатлар зиммасига тушмоқда.

Ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун кенг иқтисодий имкониятлар эшигини очиб бериш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракати саммитлари арафасида Иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиб бориш таклиф этилди.

Бундай муҳим тадбирлар инновациялар, замонавий билим ва илгор технологиялар алмашувини жадаллаштиришга, умуман олганда, туртинчи санаот инқилоби, хусусан, "ақлли" иқтисодиётни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти пандемиянинг салбий таъсири, биринчи гада, ўсиб келаётган ёшлар ҳис қилаётганини кўрсатиб ўтди. Уларнинг сифатли таълим ва профессионал билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятлари кескин камаймоқда.

— Энг ёмони, ёш авлоднинг келгусида ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига бўлган ишонч ва қатъияти сусаймоқда. Шунингдек, минглаб ёшларнинг онгу тафаккурига бузғунчи ва радикал мафкуралар таъсири ҳам тобора кучаймоқда, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Бу борадаги сиёсат ва режаларни уйғунлаштириш, тўпланган тажриба билан ўртоқлашиш мақсадида Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити"ни келгуси йил жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган кўҳна Самарқандда ташкил этиш ниятида эканлиги таъкидланди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари Озарбайжон томонини Қўшилмаслик ҳаракатига самарали раислик қилаётгани ва саммит муваффақиятли ўтгани билан яна бир бор самимий табриқлади.

Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессияси якунланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти делегациялар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан суҳбатда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Рас-ал-Ҳайма амирлиги амира, БАА Олий кенгаши аъзоси шайх Сақр Ал-Қосимий билан етакчи компанияларни янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишга жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессияси раиси Чабба Кёрёши билан етакчи халқаро ташкилотнинг жорий йил сентябрь ойида ўтадиган ялпи сессиясининг кун тартибидидаги масалалар уюзида фикр алмашилди.

Жаҳон туризм ташкилоти бош қотиби Зураб Пололикашвили ЮНВТО Бош ассамблеясининг жорий йил 16-20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтадиган навбатдаги сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш

бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Боку шаҳридаги Фахр хиёбонига ташриф буюриб, Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Маълумки, Ҳайдар Алиев атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси бўлган. Унинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва беқиёс етакчилик қобилияти туфайли қардош давлат мураккаб синовларни муносиб енгиб ўтган.

Ҳайдар Алиев ўзбек халқининг яқин дўсти бўлган. Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган. Қардош мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий ришталар ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган.

Бунга ўзига хос эҳтиром сифатида сиёсатчининг хотираси юртимизда ҳам эъзозлаб келинмоқда. Тошкентда Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази фаолият юритмоқда. Утган йили Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида пойтахтимизда Ҳайдар Алиев номидаги кўча ва хиёбон очилган эди.

Буларнинг барчаси қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Ҳайдар Алиев ва унинг рафиқаси Зарифа Алиева қабрларига гул қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

## МУНОСАБАТ

# ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ!

Баҳор гўзал фасл. Сулув фасл. Эл топиб айтган — фаслларнинг маликаси, келинчаги — баҳор. Оламнинг барча ранглари фақат шу фаслда кўриш мумкин. Келинин келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишади.

Ҳализамон кўкламай ўз сепини ёяди. Қиш бўйи тор хоналарда диққинафас бўлиб турган кексаю ёш адирлар, қирлар бағрига шошилади. Майсаларнинг, гулу гўёларнинг муаттар ифори димоғларни қитқилди. Турналар қанотида қалдирғочлар кириб келади. Уларнинг чугур-чугурлари тинчлик таронаси янглиг дилларда акс садо беради. Болажонлар бойчечак, бинафша ҳақидаги қўшиқларни куйлайди. Осмонни тўлдириб варрақлар учиради. Оқ қалпоқли тоғлар бағридан жилгалар шошиб-тошиб далалар, кенгликлар сари ошиқди. Кўешининг нури ҳам, тафти ҳам тану жонга роҳат бағишлайди. Бундай кезларда нима ярашади, албатта, байрам, уйин-қулги, томшалар ярашади-да, шундай эмасми?!

Ана шундай тароватли, ҳароратли кунларда юртимиз бўйлаб Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланади. Байрам томшаларида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналари қайта жонланади, янгича қиёфа касб этади. Шу тариха азалий қадриятларимиз келажак авлодлар онгу шуурига сингиб боради.

Наврўз қадим тарихга эга байрамдир. Уша замонлардан буён то ҳозирга қадар тарихчилар ҳам, шоиру адиблар ҳам Наврўз айёмининг пайдо бўлиш тарихи, мазмун-моҳияти ҳақида муҳаббат билан ёзиб келмоқда. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Умар Хайёмнинг "Наврўзнама", Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарларида баҳор байрамининг тарихи хусусида маълумотлар берилган бўлса, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготит турк" асарида Наврўзга бағишланган халқ қўшиқлари берилган.

Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Оғаҳий каби мумтоз шоирларимиз ҳам Наврўзни тараннум этган. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек каби замондош шоирларимиз ҳам айём таърифида гўзал асарлар битганки, бу ҳам Наврўзнинг қанчалар улуг байрам эканини аниқлатади.

Халқимиз ҳар доим Наврўзни нишонлашга алоҳида тайёргарлик қўрган. Бугунги ундиришга қўйилган ва майсасидан сумалак тайёрланган, кўк чучвара, кўк сомса каби баҳорий таомлар пиширилган, кўпқари, улоқ, кураш сингари халқ уйинлари, сайиллар ўтказилган. Наврўзнинг биринчи кунни қишлоқ жойларда болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар эшиги олдида Наврўзга бағишланган қўшиқ айтган. Хонадон эгаси уларни совға-салом ва егуликлар билан сийлаган. Болалар уларнинг бир қисмини қишлоқдаги бева-бечораларга улашган. Бу удув ҳозир ҳам Самарқандда Қашқадарё томонларда сақланиб қолган. Наврўз ана шу жиҳати билан умумхалқ байрамидир.

Куни кеча мамлакатимиз раҳбарининг "2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарорда кўплаб ташкилотлар қатори Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ҳам бир қанча вазифалар юкланган. Ёзувчи-шоирларимиз томонидан байрам кечалари учун дастурлар ишлаб чиқишмоқда. Мушоира кечалари ўтказиш режалари тузилмоқда. Ўйлаймики, бу қутлуғ айёмга адибларимизнинг ҳам катта улуши қўшилиши.

Ғайрат МАЖИД,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
раиси ўринбосари

# ЯҚИН МУЛОҚОТ ХАЛҚЛАР МАНФААТИ УЧУН БАРЧА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Бошланғичи 1-бетда

**Намиқ АЛИЕВ,**  
Озарбайжон давлат бошқаруви академиясининг Халқаро алоқалар ва ташқи сиёсат кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор, элчи:

— 2 март куни Бокуда Қўшилмаслик ҳаракатининг Мулоқот гуруҳи саммити бўлиб ўтди. Ҳаракатга раислик қилаётган Озарбайжон ушбу халқаро ташкилотнинг нуфузи ва фаолиятини янги босқичга кўтарди.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ташаббуси билан Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари номидан илгари сурилган БМТ Бош Ассамблеясининг COVID-19га қарши вакциналардан арзон баҳода, тенг, ўз вақтида ва универсал фойдаланиш имкониятини таъминлаш тўғрисидаги резолюцияси коронавирусга қарши курашишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим восита бўлди. Қўшилмаслик ҳаракати ташкилотга аъзо давлатлар сонининг кўпчилиги ва унинг географияси кенглиги глобал пандемияга қарши курашда муҳим омили бўлмоқда. COVID-19 инсоният тарихидаги энг катта соғлиқни сақлаш инқирозига айланди. Бунга қарши курашиш юзасидан Ҳаракат ташаббускорлигида қабул қилинган резолюция ҳам, шубҳасиз, Боку саммити нуфузини оширди.

Тадбир доирасида қардош Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бокуга ташрифи муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президенти Бокуда бўлиш дастурига мувофиқ, Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи мажлисида иштирок этди ва нуҳт сўзлади.

Менимча, 1 март куни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан бўлиб ўтган учрашува давлат раҳбарларининг икки томонлама кун тартибидидаги долзарб масалалар муҳокама қилингани алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу учрашувлар аллақачон анъанавий моҳият касб этган бўлиб, доимо қизиқчи уйғотади. Озарбайжон Президенти Ўзбекистон раҳбарига Қўшилмаслик ҳаракати саммитида кўрсатган кўмаги ва шахсан иштироки учун самимий миннатдорлик билдирди. Учрашув кутилган



нидех, доимидек очик, илик ва дўстона муҳитда ўтди. Давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилди, бўлажак тадбирлар жадалини кўриб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, тизимли ва самарали алоқалар туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатлари ўзига хос мазмун билан тўлдирилгани ҳолда, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиздан зиёдга ошди. Автомобилсозлик, тўқимачилик санаяти, ипакчилик каби устувор йўналишларда кооперация лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз нефть-газ соҳаси, транспорт ва логистика соҳасида истиқболли лойиҳаларни аниқ мақсад билан тайёрламоқда.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Худудлараро форум доирасида мамлакатларимиз ўртасида қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Битим имзоланди. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти ва солиқ маъмуриятчилиги тизимини ривожлантириш бўйича тажриба алмашишдан ҳам томонлар манфаатдордир.

Ўзбекистон Президентининг Бокуга амалий ташрифи стратегик шерикчилигимизни мустаҳкамлаш йўлида ташланган яна бир муҳим, самарали қадам бўлди.

**Пак Ки ЖУНГ,**  
Атроф-муҳит бўйича халқаро ҳамкорлик маркази директори (Жанубий Корея):

— Қўшилмаслик ҳаракатининг муҳим саммитида Ўзбекистон етакчисининг шахсан иштирок этгани мамлакатимизнинг мазкур ташкилотдаги ўрни ва нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор амалий ташаббуслар илгари сурилган нуҳқи билан танишиб, қуйидагиларни таъкидлашни истар эдим.

Менимча, Ўзбекистонда Қўшилмаслик ҳаракатини мониторинг қилиш ва илмий тадқиқотлар бўйича махсус тармоқ институтини ташкил

этиш таклифи иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген инқирозлар оқибатларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этишга хизмат қилади.

Пандемиядан кейинги даврда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни



этиш таклифи иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва техноген инқирозлар оқибатларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этишга хизмат қилади.

Пандемиядан кейинги даврда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни

эмас, ҳар икки давлатда бево-сита денгизга чиқиш имкони йўқ, муҳим географик жойлашув ва бир хил ташқи сиёсий устуворликларга эга.

Айнан шундай мамлакатларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиқни шакллантириши, таҳдидларга қарши туриш учун қўшимча имкониятларнинг пайдо бўлиши уларни амалга оширишга муҳим асос бўлади.

Ўзбекистон Президенти Бокуда Озарбайжон Президенти билан бўлиб ўтган учрашувада 800 миллион АҚШ доллари қийматидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга таъйинланди. Бу хали чегара эмас. Яратиб берилаётган имкониятлар икки мамлакат ҳудудида ҳам товар айирбошлаш, ҳам ишлаб чиқариш қувватлари кенгайишига хизмат қилиши тайин.

Умуман олганда, Озарбайжон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан ўзаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилаётгани яқин келажакда бу икки туркий давлат ўртасида муносабатлар кўлами янада шитоб билан кенгайишига бораверади, деб айтиш имконини беради.

тартибга солиш ташкилот мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий омил ҳисобланади. Шу нуҳтаи назардан, иқтисодий форумлар ҳаракатининг амаллари арафасида мунтазам ўтказилиши долзарб ва ўз вақтида илгари сурилган ташаббуслар.

Қолаверса, Ўзбекистон Президентининг ёшлар камолоти, навқирон авлоднинг сифатли таълим-тарбия олиши, талаб қилинадиган касб-хунарларни пухта эгаллаши борасидаги ташаббусини ҳам тўла қўллаб-қувватлайман.

Келгуси йилда Қўшилмаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити" кўҳна Самарқанд шаҳрида ўтказилса, бу бетакорор шаҳар қиёмизининг яна бир ёшлар марказига айланади.

**ИШОНЧИМ КОМИЛКИ,**  
ТАШКИЛОТГА  
АЪЗО ДАВЛАТЛАР  
ЎРТАСИДАГИ ЯҚИН  
МУЛОҚОТ ЎЗ ХАЛҚЛАРИ  
ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА  
БАРЧА СОҲАЛАРДА  
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ  
КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ  
ҚИЛАДИ.

**Шерадил БАҚТИГУЛОВ,**  
сиёсатшунос, минтақавий масалалар бўйича эксперт (Қирғизистон):

— Дунёдаги энг қадимги ва нуфузли халқаро ташкилотлардан бири бўлган Қўшилмаслик ҳаракатининг мақсад ва вазифалари ҳеч қандай ҳарбий блокларда қатнашмайдиган мамлакатлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш билан изоҳланади.

Қўшилмаслик ҳаракати турли блоклар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий ва мафкуравий қарама-қаршиликка йўл қўймастик учун унга аъзо давлатларнинг манфаатларини биргалликда ҳимоя қилишга интилади.



Бир кутбни дунё инқирози даврида Ҳаракатнинг мақсадлари янги овозга эга бўлади ва бу ташкилот дунёдаги янги сиёсий таъсир марказларидан бирига айланиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ташқи сиёсатда ўзининг ҳарбий



**Муҳаммад Толиб бин Моҳаммад РАЖА МОҲАММАН,**  
Исломи ҳамкорлик ташкилотининг Малайзиядаги Халқаро ишбилармонлик маркази бош ижрочи директори:

— Ўзбекистон Президенти барча давлатлар ўзаро, жумладан, турли минтақавий ва халқаро тузилмалар доирасида табиий офатлар ва иқтисодий инқирозлардан тортиб, то таълим соҳасигача хозирги кунда қузатилаётган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун янада яқин ҳамкорлик қилмоғи зарурлигини жуда тўри таъкидлади.

Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳи саммитида Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўз вақтидаги ва долзарблиги билан жуда аҳамиятлидир. Хусусан, ушбу ташкилотнинг махсус Мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғи ташкил этилиши, шубҳасиз, Ҳаракатга аъзо давлатларнинг кенг ҳудудида табиий офатлар сабабларини чуқур ўрганиш ва улар оқибатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон раҳбарияти нафақат ўз мамлакатини инсон капита-

лини ривожлантириш, таълим ва табиий хизмат сифатини оширишга устувор аҳамият қаратаётгани, балки бошқа давлатлар билан биргалликда ҳам бу йўналишдаги ҳамкорликни фаол илгари сураётгани, шубҳасиз, қувонарли ҳолдир. Шу нуҳтаи назардан, Қўшилмаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити"ни жаҳон цивилизацияси марказларидан бири — кўҳна Самарқандда ташкил этиш таклифи таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида турли дастурларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиши аниқ.

Ишончим комилки, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги яқин мулоқот ўз халқлари фаровонлиги йўлида барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

имкон беради, гарчи уларнинг баъзилари бир-бири билан инқироз даврларини бошдан кечириётган бўлса ҳам.

2022 йил февраль ойида Европа қиёмасида бошланган энг йирик геосиёсий инқироз шароитида қўшилмаслик мақоми Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни кўзлаган ҳолда ёндашувини яна бир бор таъкидлайди.

Шу босис, Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта ва кичик давлатлар билан ўзаро муносабатларда блокликдан холи ёндашуви ҳамда турли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида бунга собиитлиги Тошкентнинг тинчликсевар сиёсат олиб боришини яққол намоён этмоқда.

Энг муҳими, буларнинг барчаси Ўзбекистон ривожланаётган ва ривожланган давлатлар учун бирдек ишончли ташқи сиёсий шерик эканидан далолат беради.

"Дунё" АА

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЕТТИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

УЛАРДА ЎЗ АКЦИНИ ТОПГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ҲАЁТ, ЖАМИЯТИМИЗГА УЛКАН ҚАНОТ БАХШ ЭТАДИ



Бошланиши 1-бетда

Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодий фанлари доктори, профессор



Аҳолининг уй-жойга талабини қондириш мақсадида "Янги Ўзбекистон" массивлари ва 161 та бошқа массивда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг йиллик ҳажми 1,6 баробар оширилиб, 90 мингга етказилади. Бунда уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситалари тураргоҳлари, жумладан, кўп қаватли ва ер ости автотураргоҳлар мажбурий равишда барпо этилиши таъминланади.



Худудий муаммоларни ҳал этиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар самардорлигига ижобий таъсир қилади. Шу сабабли маҳаллий вакиллик органларида сифат менежментини йўлга қўйиш заруратдир. Тажриба тариқасида Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларининг комиссия раислари доимий асосда фаолият юритишини ташкил этиш таклифи ўз ўрнида қабул қилинапти. Шунингдек, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларининг доимий комиссиялари иштироки таъминланадиган халқ манфаатларига мос қарорлар қабул қилишда муҳимдир.

Аҳолининг уй-жойга талабини қондириш мақсадида "Янги Ўзбекистон" массивлари ва 161 та бошқа массивда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг йиллик ҳажми 1,6 баробар оширилиб, 90 мингга етказилади. Бунда уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситалари тураргоҳлари, жумладан, кўп қаватли ва ер ости автотураргоҳлар мажбурий равишда барпо этилиши таъминланади. Фуқароларнинг 32 минг нафарига бозор тамойиллари асосланган ипотека кредити, шунингдек, 11 минг фуқарога бошланғич бадал ва фойз тўловларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Шунингдек, аҳолини уй-жой би-

дек, ўқувчилар 10-синфдан бошлаб 64 ишчи касб, 21 соҳада тадбиркорликка, 10 та IT ва "креатив индустрия" йўналишидаги касбларга ўргатилади. Ушбу жараёнга ёшлар етакчилари ва худуддаги танлиқ тадбиркорлар жалб қилинади. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилади. Бу мақсад учун 2,7 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, 2,5 миллион ўқувчи қамраб олинади. 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ушбу тизим билан 273 минг ўқувчи қамраб олинган эди.

Профессионал таълим тизимини ривожлантириш, меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг талабларига мос бўлган малакали ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари коллеж ва техникумларнинг дуал таълим шакли бўйича ҳам ажратилади. Натияжада жорий йилда дуал таълим шакли бўйича давлат гранти асосида камда 5,7 минг ўқувчи қабул қилинади. Европа мамлакатлари тажрибасидан маълумки, дуал таълим шаклида ўқувчи профессионал таълим муассасасида назарий билим олади ва бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат фаолиятини амалга ошириб, кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Дастур доирасида адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш борасида ҳам устувор йўналишлар белгилаб олинган. Жумладан, жиноятларни тергов қилиш жараёнида "Хабеев корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ва мулкни халташга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш қаратилган қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қиртилди. Шунингдек, қонун лойиҳасида жиноят ишлари судларга айблов ҳулоса-

станцияларини паст (0,23-0,4 кВт.) қучланишли электр тармоқларига улаш учун техник шарт олиш талаб этилмаслиги белгилянанти. Қуввати 20 кВт.гача бўлган қуёш фотозлектр станцияларини тармоққа улаш учун техник шартлар олинб, шартнома тузиш тартиблари мавжуд. Ушбу тартиб ишга тушгандан сўнг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатмоқчи бўлган жисмоний шахсларга қулайлик яратилади.

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб йиллик ҳажми икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғисига тенг энергия ресурсларини сарфлайдиган ташкилотлар учун ўз энергия истеъмолининг камда 30 фоизини қайта тикланувчи энергия ҳисобига таъминлаш мажбурияти юклатилади. Бунинг натижасида камда 1,2 миллиард кВт/соат электр энергияси тежаланиши эришилади. Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига олинандиган минимал энергия миқдори бўйича талабларни бажармаган ташкилотлар томонидан етишмаган энергия улушига муносиб миқдорда "яшил" сертификатларни сотиб олиш талаби киритилади. Бундай талаб ташкилотларни энергия самардорлигини оширишга рағбатлантиради, сертификат сотувидан тушган маблағ эса "яшил" технологияларни ривожлантиришга йўналтирилади. Умумий истеъмолнинг 30 фоизини қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтказиш талаби бажарилмаган тақдирда мажбурий ташкилот ушбу мақсадга эришиш учун етишмаган энергия улушига муносиб миқдорда ҳар 1 МВт. учун битта "яшил" сертификатни сотиб олади.

2023 йил 1 июндан бошлаб табиий газни ёқилғи қилиш шохобчаларига газ ҳажмининг онлайн ҳисобини юритиш тизими, сотилган газ миқдорининг аниқ ҳисобини юритиш таъминловчи ҳамда Иқтисодий ва молия вазирлиги маълумотлар базасига интеграция қилинган дастур мавжуд бўлган ҳоллардагина етказиб бериш амалиёти йўлга қўйилади. Натияжада онлайн ҳисобни юритиш тизими орқали объектларда табиий газнинг беҳуда сарфланиши, улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тизимли мониторинг шакллантирилади.

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджет ташкилотларига қуёш панели ва иссиқ сув коллекторини ўрнатиш мажбурияти юклатилиб, 2026 йилга қадар уларнинг бинолари энергия истеъмолнинг 60 фоизини "яшил" энергияга бошқичма-бошқич ўтказиши таъминланади. Бунинг натижасида давлат органлари ва ташкилотларида 2023 йилда энергия истеъмолнинг 30 фоизини "яшил" энергияга ўтказиш ҳисобига 448,7 миллион кВт/соат, 2026 йилда эса 60 фоизини ўтказиш ҳисобига ўртача 897,4 миллион кВт/соат электр энергиясини иқтисод қилиш имконияти яратилади.

Ресурслар ҳақида сўз кетганда сув масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Дастур доирасида қилқоқ ҳужайрали сув ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида сув ресурсларини бошқаришда узлуксиз тизимни йўлга қўйиш ҳамда тежамкор рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига сув етказиб беришда табиий йўқотишлар ҳажминини 10 фоизгача камайтириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олинган. Сув ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, зарур ирригация ва мелiorация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали камда 7 миллиард метр куб сув иқтисод қилиш ва уни 300 минг гектар майдонда тақрири экинларни сугоришга йўналтириш мумкин.

Қилқоқ ҳужайрали ерларини сугориш ва балиқ етиштириш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкасини ошириш орқали сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда сугориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилиши таъминланади.

Сув ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш ва унинг очиқлигини таъминлаш мақсадида 13 мингга сув ҳўжайрали объектини рақамлаштириш билан боғлиқ барча харажатлар давлат бюджети маблағлари ва халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан молиялаштирилади. 16 та йирик насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланади.

Биз дастурдан ўрин олган айрим йўналишлар ҳақида тўхталиб ўтдик. Умуман олганда, кенг муҳокама натижасида халқимизнинг муносиб турмуш кечириши ва мамлакатимизнинг тараққий этиши учун зарур бўлган тақдирлар асосида қабул қилинган давлат дастурининг амалий ижроси умумий ривожланишимизга хизमत қилади ва халқимиз ҳаётига фазовонлик олиб келади.

давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш борасида дастурдан жой олган режалар ҳаётимиз билан алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, "Рақамли маҳалла" марказини ташкил этиш ва "Ижтимоий маҳалла" ахборот тизимини жорий қилиш орқали маҳалладаги аҳоли ва тадбиркорларнинг мавжуд муаммоларини "хонадонбай" ўрганиб бўйича сўровномалар ўтказиш натижаларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юбориш ҳамда кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизими йўлга қўйилади. Шунингдек, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га қиритилган оилалар, хотин-қизлар ва ёшларга кўрсатилган ёрдам ҳақидаги маълумотлар ҳам мажбурий равишда киритиб борилади.

Маҳаллаларнинг худуди, майдони, инфратузилмаси, чегараси акс этган харитаси, хонадонларнинг жойлашуви, рақамлари ва кўча номларининг ягона базаси юритилади. Фуқаролар дуч келадиган муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш орқали реал ечимларга эга таклифлар ишлаб чиқилади ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. "Ижтимоий маҳалла" ахборот тизими ҳамда "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали 40 турдаги маълумотларнинг ягона базаси юритилади.

2023 йил 1 июндан бошлаб "Маҳалла бюджети" тизимини барча туман ва шаҳарларда жорий этиш орқали маҳаллаларга ўз муаммосини мустақил ҳал этиш ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 800 миллиард сўмгача маблағ йўналтирилади. Эксперимент тариқасида 14 туманда, 1 июндан эса барча туман (шаҳар)ларда "Маҳалла бюджети" тизими жорий этилади. Ҳаё-



тий тажриба ва халқ ҳокимиятчилиги нуқтаи назаридан жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳалла ролини ошириш долзарб вазифадир. Шу боис, маҳаллаларга маҳаллий вакиллик органларининг кенгашлари сессиялари кун тартибига қўриб чиқиш учун таклиф киритиш, тегишли қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилади.

белгилянанти. 2023 йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларни долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга. 2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 4 триллион сўм ажратилади. Натияжада мажбурий тадбирларга ажратилаётган маблағлар миқдори қарийб 2 баробар кўпайтирилишига эришилади. Яқундан қонун 2022 йилда ушбу тадбирлар учун 4,3 триллион сўм маблағ ажратилган эди.



лан таъминлашнинг янги тартиби доирасида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган фуқаролар учун Тошкент вилоятида тажриба-синов тариқасида "Менинг биринчи уйим" дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

2024 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан бошлаб, давлат органлари томонидан таклиф этилган ижтимоий ҳамда муҳандислик инфратузилма объектларини ушбу дастурга "Очиқ бюджет" порталида овоз бериш жараёнида тўлганган овозлар сонига кўра қиритиш амалиёти жорий этилиши белгилянанти. Бунинг натижасида ташаббусли бюджет жараёни орқали тақсимланган маблағ миқдори 15 триллион сўмга ошиб, 8 триллион сўмдан 23 триллион сўмга етди. Лойиҳаларни жамоатчилик фикри ва "Очиқ бюджет" порталида тўлганган овозлар асосида молиялаштиришнинг му்தлақо янги тизими яратилиб, амалиётга қиритилади. Бунда овоз бериш жараёнини халис ва маъмурий арашуларсиз ташкиллаштиришнинг аниқ механизминини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Тараққийета эришишнинг муҳим омилни бўлган таълим-тарбия ва илм-фани ривожлантириш ислохотларимизнинг бош мақсадларидан биридир. Шу боис, таълим сифатини ошириш, соҳани илгор хорижий тажриба асосида ислох қилиш мақсадлари ҳам давлат дастури билан белгилаб олинмоқда. Унга кўра, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Жумладан, 76 мактабда француз тили, 76 тасида немис, 37 тасида инглиз, 10 тасида корейс, 6 тасида хитой ва 3 тасида япон тили иккинчи хорижий тил сифатида ўқитилади. Шунинг-

си (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирига тақдим этиш тартибин жорий этиш, адвокатлик фаолияти билан шўғулланиш ҳуқуқини берувчи лиценцияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича камда икки йиллик стажига эга бўлиш талабини бекор қилиш каби нормалар акс эттирилади.

2023 йил 1 сентябрда қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, Европа касбий таълим ва касба ўқитиш сифатини таъминлаш тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган 1 тадан намунавий профессионал таълим муассасаси фаолият йўлга қўйилади. Натияжада намунавий профтаълим муассасалари Европа Иттифоқи комиссияси, Германиянинг Халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЗ), КФВ банки, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Жанубий Кореянинг ЕДЦФ фонди билан биргаликда ташкил этилади. Ушбу муассасаларга замонавий стандартларни жорий қилиш учун ўқув режа ва дастурларни, таълим шакли ва мuddатини мустақил белгилашга рухсат этилади. Шунингдек, ҳар битта муассасага 4 нафардан хорижий эксперт жалб этилиб, ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тилга ўқитиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Бугунги юзага келган вазият энергия ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича қилинадиган ишлар ҳамон долзарб эканини кўрсатиб берибди. Иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда энергия таъминоти ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тизимини жорий қилиш учун шaroит яратиш бўйича мақсадлар белгилаб олинмоқда. Унга кўра, қуввати 20 кВт. ва ундан паст бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# БИР ТОМЧИ СУВ

## УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, АҲАМИЯТИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Сув тежовчи технологиялар — юқори самарадорлик кафолати**

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, экинларни замонавий ёндашувлар — томчилик, ёмғирлик, умуман олганда, сув тежовчи технологиялар ёрдамида сугориш нафақат сув сарфи ҳажмини катта миқдорда иқтисод қилиш, балки ҳосилдорликни ошириш, сарф-ҳаражати эса сезиларли даражада камайтирашга замин яратди. Бу

Жумладан, БМТ Жаҳон чўлланиш ва қургўчиликка қарши кураш ташкилоти ўтган йили эълон қилган баёнотида 2050 йилга бориб қургўчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига таъсир қилиши мумкинлигини маълум қилди. Бу жуда катта рақам ва табиийки, хавотирли жиҳатлар юртимиз иқлим шaroити, хусусан, сув таъминоти барқарорлигига ҳам тааллуқлидир. Буни биргина сўнгги 15 йилда юртимизда ёнғинчилик миқдори 25 фоизга қисқаргани ҳам тасдиқлайди.

Жаҳон табиий ресурслар институти (World Resources Institute) ва Британиянинг “Economist Intelligence Unit” ташкилоти тадқиқотларига кўра эса 2040 йилга бориб, сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинган 33 давлат орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор. Бу эса, ўз навбатида, ушбу даврга бориб тахминлар қай даражада қарор топишидан қатъи назар, океан ва йирик денгизлардан олисда жойлашган Ўзбекистон учун мавжуд ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга ўтиш, бунга айна пайтдан бошлаб устуворлик беришни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ушбу неъматдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Буни 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 7 миллиард метр куб сувни тежаш вазифаси белгиланган мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сув ресурсларини тежаш, ундан мақсадли ва самарали фойдаланишда сув тежовчи технологиялар алоҳида аҳамиятга эга. Бу соҳада юқори самарадорликка эришиш учун дунёда шаклланган томчилик сугориш технологиялари бозорига интеграциялаши ва унинг илгор тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш долзарб ҳисобланади. Бу тажрибалар худудларда сув тежовчи технологияларни қўллашни сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқади.

### Дунё тажрибасига бир назар

Метр куб атамаси қишлоқ ҳўжалигида сув миқдорини аниқлашнинг асосий ўлчов бириги ҳисобланади. Билъанк, томчи уларнинг миллиондан бири қисми ўлароқ аниқ бир миқдорни аниқламайди. Лекин масаланинг қизиқ томони шундаки, сўнгги пайтларда сув миқдорининг аниқ ўлчов бириги четда қолиб, томчи атамаси сув ҳўжалиги тизими, умуман, сув билан боғлиқ жараёнларда фаол қўлланиладиган сўзга айланб борапти. Тилимизда ушбу ўзак асосида янги сўз бирикмалари пайдо бўлмоқда.

Шу ўринда томчилик сугориш ўзи нима экани ва унинг қандай пайдо бўлгани тарихига бир назар ташласак, фойдалан ҳоли бўлмайди. Томчилик сугориш сув ресурсларидан самарали фойдаланишда энг мақбул усуллардан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, бу усул биринчи марта ўтган асрнинг 60-йилларида Исроилнинг Неgev чўлида қўлланган. Қисқа вақт ичида эришилган ижобий натижалар, қолаверса, сув танқислигининг кўчайиб бориши дунёнинг кўплаб мамлакатларида томчилик сугоришини тез тарқалишига сабаб бўлди.

— Натижада дунёда умумий ҳажми 9,3 миллиард доллар қийматидаги томчилик сугориш технологиялари бозори шаклланди, — дейди тадқиқотчи Комплонн Кўзиев. — АҚШнинг “Rhode Island” университети экспертлари фикрича, 2028 йилга бориб бу бозорнинг ҳажми 23,3 миллиард долларга етади. Бу ҳозирги кўрсаткичдан деярли 2,5 бараварга ортқидир. “Fortune Business Insight” ташкилоти Осиёдаги томчилик сугориш технологиялари бозори ҳажмини 4,3 миллиард доллар қийматида баҳоламоқда. Бу бозорнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 9,3 фоизни ташкил этса, 2026 йилга бориб унинг ҳажми дунё бозорининг 40 фоизини қамраб олиши прогноз қилинган.

Бу бозорнинг энг асосий талабгорлари Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Германия, Франция, Италия, Австралия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Бразилия, Аргентина каби давлатлар саналади. Сугориладиган майдонларда сув тежовчи технологиялар қўлланган ер майдони 100 миллион гектарга яқинлашиб қолди. Бу борада Хитой етакчилик қилмоқда. Жумладан, 2009 йилда Хитойда “Миллий сувни тежаш — ирригация” дастури қабул қилинган. Дастур доирасида “2020 йилга бориб бундай технологиялар ўрнатилган сугориш майдони ҳажмини мамлакатдаги жами сугориладиган ернинг 80 фоизига етказиш, шу жумладан, спринклер технологияли майдонлари 4,29 миллион, томчилик сугориши 1,3 миллион, паст босимли трубалар орқали сугориши 8,08



миллион ва каналлар қопламали сугориш майдонларини 17,8 миллион гектарга етказиш” вазифаси бўйича амалга оширилган ишлар бу борада катта натижаларга эришишга замин яратган.

Дунё мамлакатлари орасида, шунингдек, АҚШ (13,8 миллион гектар), Ҳиндистон (7,7 миллион гектар), Бразилия (4,5 миллион гектар) ва Испания (4,5 миллион гектар) давлатлари етакчи ҳисобланади. Бироқ жами сугориладиган майдонга нисбатан бундай технологиялар ўрнатилиши қамрови бўйича Исроил пешқадам. Хусусан, Исроилда жами сугориладиган ернинг 99 фоизига сув тежовчи технологиялар ўрнатилган.

Бу турдаги технологияларнинг аҳамияти ли жиҳати шундаки, томчилик сугориш усули ўсимликларнинг илдизига сувни кичик дозаларда томчилик орқали уни озиқлантиришга асосланган. Бунда сувнинг миқдори ва частотаси ўсимликларнинг эҳтиёжига мувофиқ тартибга солинади. Сув барча ўсимликларга тенг ва бир хил миқдорда оқади. Бутун дала сугорилмайди, яъни ортқича сув исроф қилинмайди. Сув фақатгина ўсимлик илдизига керакли миқдорда етказиб берилади. Пировавдида, бўғалниш, шимилитиш туфайли кузатилиши мумкин бўлган катта йўқотишларнинг олди олинади.

Сувдан тежамли фойдаланишда Исроил тажрибаси энг самарали ҳисобланади. Ушбу давлатда, аввало, сувдан самарали фойдаланиш, уни тежашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Жумладан, 1959 йилдан 2001 йилгача бўлган давр мобайнида “Сув ресурслари тўғрисида”ги, “Сув қудуқларини бурғулаш устидан назорат тўғрисида”ги, “Тупроқни муҳофаза қилиш ва дренаж тизими тўғрисида”ги, “Сувни ўлчаш тўғрисида”ги ва “Сув корпорациялари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

Исроилнинг 1972 йилда тузилган “Netafim irrigation” компанияси дунёда томчилик сугориш тизимларининг биринчи санат ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Биринчилик билан бир қаторда, ушбу корхона томчилик сугориш тизимининг афзаллиги шундаки, технологиялар сувни нафақат 70 фоизгача тежайди, балки минерал ўғит, ишчи кучи, ёқилғи сарфини ҳам сезиларли даражада қисқартириб, энг асосийси, манзилли озиқлантириш орқали экинлар ҳосилдорлигини икки баравар оширишга имкон беради. Умуман олганда, Исроилда яратилган сув ҳўжалиги тизими интеграцияси тежамкорликнинг классик намунаси ҳисобланади.



Маълумотларга кўра, Ўзбекистон худудларида фойдаланиладиган ўртача йиллик сув ресурсларининг миқдори 51-53 миллиард метр кубни ташкил этади. Бунинг нисбатан кам қисми — 21,5 фоизи юртимиз қолган асосий 78,5 фоиз қисми эса қўшни давлатлар худудида шаклланади.

Сувнинг катта қисми сугоришда ишлатилади ва айнан вегетация даврида сув танқислиги кузатилади. Масалан, 2021 йилги сугориш мавсумида худудларда сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кузатилади. Бу қарийб 8-10 миллиард метр куб сув танқислигига олиб келди.

Худудларда бу каби сув танқислигининг ортиб бориши мавжуд ресурслардан тежамли фойдаланишни талаб қилади. Шу мақсадда мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича ҳаражатларининг бир қисmini қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилиниб, бунга амалга ошириш тартиби бўйича Низом ишлаб чиқилган эди. Низомга кўра, пахта ва узум плантацияларининг 1 гектарига — 8 миллион сўмдан 11 миллион сўмгача, мевали экинларга — 6 миллион, озуқабоп, мойли, дужкаки экинлар ва доривор ўсимликларга — 2,5 миллион, сабзавот экинлари ва картошкага — 1,5 миллион, полиз экинларига — 1,3 миллион сўм миқдоридан субсидиялар ажратилиб белгиланган. Жорий қилинган сувни тежайдиган сугориш технологияларидан сугориш мавсумида фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия давлат бюджетига қайтарилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, сўнгги беш йилда мамлакатимиз бўйича сув тежовчи технологиялар

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эса бу борадаги ҳаражатларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратилиши тасдиқланди.

Яратиб берилган қўлай шароит, тақдим этилаётган имтиёзлар натижасида биргина 2021 йилда 433 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. 2022 йилда эса бу борада янада каттароқ марра — 478 минг гектар белгиланди.

Сув ҳўжалиги вазири ўринбосари Рустам Қаршиевнинг айтишича, сўнгги йилларда мамлакатимизда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган майдонлар ҳажми қарийб бир миллион гектарга етказилди. Замонавий технологиялар ўрнатилган майдоннинг катта қисmini томчилик сугориш тизими ташкил этади.

Ушбу йўналиш бўйича 2023 йилда амалга оширилиши режа қилинган ишларнинг асосий қисми ҳам томчилик сугориш ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, жорий йил 260 минг гектарда томчилик, 25 минг гектарда ёмғирлик, 15 минг гектарда дискрет усулда сугориш технологиясини ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ушбу технологияларни ишлатиш орқали 1,9 миллиард метр куб сув, 100 минг тонна минерал ўғит, 13 минг тонна ёқилғи-мойлаш материаллари иқтисод қилинади. Ўз навбатида, ҳосилдорлик ўртача 15-20 центрге оширилиб, 300 минг гектар майдонда тақрорий экинларни сугориш имконияти яратилади.

Маълумотларга кўра, биргина Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда ирригация объектларида сув сарфини онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи 286 та “Ақли сув”, мелиоратив кузатув қудуқларида сизот сувлар кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш имконини берувчи 270 та “Дайвер”, насос станцияларида сув сарфини онлайн ҳисобини юритувчи 208 та “Ақли

ҳисоблагич” қурилмаси ўрнатилиб, Қизқеткен-Кегейли ИТБ тасарруфидида “Кегейли” магистрал канали бош ишооти бошқаруви автоматлаштирилган.

2023 йилда эса ирригация объектлари 1 минг 200 дан зиёд “ақли” қурилмалар ўрнатиш ҳамда 2 та йирик сув ҳўжалиги объектнинг бошқарувини автоматлаштириш режалаштирилган.

— Сувни тежаш, экинларни сугоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни оммалаштиришнинг аҳамияти биз учун жуда муҳим, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик сектор раҳбари Абу Қидирбаев. — Чунки Қорақалпоғистон дарёларининг энг қуйи ўзанида жойлашган. Шунинг учун ҳам сувни тежашга қаратилган ишловлар ва унинг доирасида қилинаётган амалий ишлар муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, 2022 йилда 5 минг 313 гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар, шундан 3 минг 304 гектар майдонда томчилик, 1 минг 909 гектарда ёмғирлик сугориш технологияси ва 100 гектар майдонда дискретли сугориш тизимини жорий қилди. 35 минг 737 гектар қишлоқ ҳўжалиги экин майдони эса лазерли усулна ёрдамида текисланди.

2023 йил ҳосили учун жами 20 минг 224 гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар, шундан 17 минг 649 гектар майдонда томчилик, 1 минг 575 гектар майдонда ёмғирлик сугориш ва минг гектар майдонда дискретли сугориш тизимини жорий этишни режа қилганмиз.

Шу билан бирга, гапла майдонларида ёмғирлик сугориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурувчи корхоналар билан талабгорлар ўртасида пудрат шартномалари тўлиқ расмийлаштирилди, айна пайтада 227 гектар майдонда қурилиш ишлари олиб борилапти.

Умуман олганда, сўнгги беш йилда мамлакатимиз бўйича сув тежовчи технологиялар

(23,6 фоиз) ва Жиззах (21,9 фоиз) вилоятларида кенгайиб бормоқда. Шунингдек, 2021 йилда Бухоро (16,1) ва Хоразм (23,1) вилоятларида қамров даражаси аввалги йилларга нисбатан 2,3-4,3 марта таба ортган.

Худудларнинг сувдан фойдаланиш самарадорлиги 2018-2021 йилларда қайд этилган натижаларига қараб гуруҳларга ажратилди. Рейтинг натижаларига кўра, биринчи гуруҳдан Андижон ва Самарқанд вилоятлари жой олди. Сабаби, ушбу вилоятлар сувдан фойдаланишда юқори самарадорликка эришган.

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги ўртача бўлган иккинчи гуруҳга Тошкент, Жиззах, Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятлари киритилди.

— Фарғона вилоятида мавжуд сув ресурсларининг асосий қисми қўшни республикалардан оқиб келувчи манбаларга боғлиқ ва шу боис, экинларни сув билан таъминлаш, унинг ҳар томчисидан оқилана фойдаланиш муҳим, — дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Фахриддин Турсунов. — Асосий эҳтиёж Норин дарёси, “Катта Фарғона” ва “Катта Андижон” магистрал каналлари орқали қондирилади. Тоғ музликларининг йилдан-йилга камайиб бориши кичик сойларда сув захиралирига салбий таъсир кўрсатмоқда. Юзага келган ҳолатларнинг олдини олиш, бирламчи сув танқислигини юмшатишда сув тежовчи технологияларни ривожлантириш, янги ташаббусларни қўлаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу кўнга қадар вилоятимизда 21 минг 377 гектар майдонда замонавий сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. Жумладан, 18 минг 919 гектарда томчилик сугориш, 2 минг 280 гектарда ёмғирлик ва 178 гектар экин майдонларда дискретли сугориш тизимларидан фойдаланилмоқда. Натижада биргина пахта майдонларига сарфланган сув ва бошқа ресурслар миқдори 40-50 фоиз тежалди, ҳосилдорлик 15-20 центрге ошди.

Ишлаб чиқаришда инновацион лойиҳаларни қўллаш, аввало, сув танқислигининг олдини олса, иккинчидан, қиммат бўлган минерал ўғит, механизация хизматлари, ёқилғи ҳаражатларини камайитириш имкониятини бермоқда. Қўштепа туманидаги “Fergana Global Textile” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери томонидан Солижонобод массивидаги бир неча йиллардан бери фойдаланилмаётган ернинг 215 гектари ўзлаштирилиб, Исроил давлатининг “Netafim irrigation” корхонаси технологияси асосида томчилик сугориш усули жорий этилди. Ушбу қурилма барча иш жараёнини бир жойдан бошқариш имкониятини беради. Натижада шу вақтта қадар бора-ўйди 17-20 центнер ҳосил олинаётган ерлардан биринчи теримнинг ўзидаёқ 45 центнергача ҳосил олиш имконияти яратилди, сув ва бошқа ресурслар 50 фоизгача тежалди.

Сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш борасидаги тажриба оммалашмоқда, янги ташаббуслар қўлаб-қувватланипти. Жорий мавсумда вилоятда 35 минг 566 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш устида иш олиб борилмади. Бу майдонларнинг 12 минг 850 гектари пахта майдонлари ҳиссасига тўғри келади.

Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст бўлган учинчи гуруҳдан жой олди. Шундай бўлса-да, ундан фойдаланиш аввалги йилга нисбатан яхшиланган.

Кўриб турганингиздек, сув тежамкорлиги борасида энг қуйи гуруҳдан жой олган вилоятларда ҳам самарадорлик ўтган йилларга нисбатан яхшиланб бормоқда. Бунда, энг аввало, кластер ва фермерларга қўлай шароит яратиш, айна йўналишда ишларни рабатлантириш, тежамкорликни ошириши назарда тутиви ҳуқуқий асослар яратиб берилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда бу борада 100 дан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1 та қонуни, Президентимизнинг 5 та фармони, 20 та қарори ҳамда 1 та фармойиши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 60 дан ортқ қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Соҳа ривожидида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаяпти.

Умуман олганда, ушбу ҳўжатлар, концепция ва стратегияда белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилаётган ишлар сувни тежаш самарадорлигининг йилдан-йилга яхшиланб боришига хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, ушбу йўналишда самарадорлик ортиб бориши биз юқорида қайд этиб ўтган сув танқислиги билан боғлиқ мураккаб вазиятларнинг салбий оқибатларини юмшати билан янада аҳамиятлидир.

НУҚТАИ НАЗАР

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ — ИНСОН КАПИТАЛИГА ЙЎЛ

## У ОРҚАЛИ ФАРОВОН, ТЎКИС ҲАЁТГА КИРИБ БОРИЛАДИ

**Азиза МУХСИЕВА, Тошкент давлат педагогика университети профессори вази фасни бажарувчи, педагогика фанлари доктори**

Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг мушкул вазиятдан халос бўлиши, юксалиши ва халқ фаровонлиги бевосита сифатли таълим кафолатлангани ҳамда унинг амалда таъминланиши билан боғлиқ. Шу ўринда инсон капитали масаласига миллий миқёсда эътибор қаратиш ҳам муаммони ҳал этишнинг самарали ечими бўлиши шубҳасиз. Ўз даврида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан танг аҳволга тушган Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатлар айнан сифатли таълим ва инсон капиталига етарли эътибор қаратгани боис, вазиятдан чиқишни удралаб, ривожлангани ва фаровон ҳаёт тарзига эришгани амалий мисолдир.

Аслида, сифатли таълим жараёнида инсон, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлашади. Яъни инсон шахс сифатида майдонга чиқади. Бу дегани, ўқитиш жараёнида фаолият юритувчи мутахассис соҳасининг бутун сир-асорини фидоийлик билан мукамал ўзлаштиради. Узи таълим бераётган ёки тарбиялаётган бола, ўқувчи ёки талабага давлат ва жамият бошқаруви ҳамда халқ фаровонлиги учун фаол ва онгли иштирок муҳимлигини тўғри тушутиради. Меҳнатининг ижобий натижаси орқали жамият аъзолари ўртасида инсон капитали ўзини ҳар томонлама оқлаши ва оммалашшига замин яратди. Сифатли таълимнинг муҳим таркибий қисми бўлган маъруза уч босқичнинг натижаси ҳам айнан дастлаб мутахассиснинг обрўси оқиб, ҳаёт тарзи фаровон бўлиши ёхуд касбидан бера қилишига йўл очади. Давлат органлари ва институтларида ҳолилик таъминланиб, замонавий, ёш кадрлар тайёрланиши натижасида бошқарув тизимида янги ҳаёт руҳи кириб келади. Жамиятда демократлашув чуқурлашиб, халқ ва давлатнинг ўзаро ишончи ҳамда таъсири ортади. Инсон капитали фаровонликка эришиши учун бирдан-бир тўғри йўл сифатида одамлар онгида қарор топади.

### Буёқ муаллим ким?

Сифатли таълим жараёнида самарали амалга оширишнинг дастлабки босқичида, табиийки, педагог ёки тарбиячининг, устоз ва муаллимнинг таъсири беқиёс. Шу боис, ушбу машаққатли соҳа вакилларининг дастлаб ўзига, оиласига, давлат ва жамиятга садоқатли бўлиши талаб этилади. Шахсини тарбиялашдек ўта масъулиятли ва машаққатли касбнинг залварини моҳиятдан ҳис этса, унинг меҳнати ҳеч қачон зое кетмайди. Аксинча, у маърифатли ва ҳушхуш ҳамда ахлоқли, педагогик тилда айтганда, компетентли инсонларнинг қамолга етишига хизмат қилган бўлади. Муаллим ва тарбиячининг ҳалол, ростўй, адолатли, фидоий, профессионал ҳамда камтарлиги жуда кўпчилик ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига асос бўлади. Сабаби, ҳар бир инсоннинг қамолоти айнан таълим-тарбия жараёни билан моҳиятдан боғлиқ. Чунки деярли барча ҳаётда ўз ўрнини топишида у ёки бу тарбиячиси, ўқитувчиси, мураббийи ва устозининг таъсири, албатта, эътироф этади. Қайсидир фазилат орттиргани ёки бирор иллатдан халос бўлганини самарали таълим-тарбия билан боғлайди.

Хитой файласуфи Конфуцийнинг “Ўқувчиларни ҳаётга тўғри йўналтирган муаллим яхшидир. Уларни руҳиятга олган муаллим эса буёқдир”, деган сўзлари худди бугун учун айтилганга ўхшайди. Бундай шарафли вазифани ҳозир ҳамма ўқитувчи ҳам удралаётган, деб бўлмайди. Бугунги тезкор, глобал ҳамда зиддиятли даврда ўқитувчи ва тарбиячилар ниманидир унутяпти, эътиборга олмаётган ёки таълим-тарбия жараёнида қўлламаяпти. Аввало, таълим-тарбиянинг замонавий фундаментал илмий-назарий асоси тадқиқ этилмаганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, миллий менталитетдан келиб чиқувчи таъсирчан усул ва воситалар яратилмаган. Бу усуллар эса, назаримизда, ҳалоллик, ахлоқ, тўрилик, адолат ва масъулиятга асосланиши зарур. Чунки нопоклик, ахлоқсизлик, ёлғончилик, худбинлик ва боқимандалик каби иллатлар аллақачон муайян ижтимоий гуруҳ доирасидан чиқиб, жамиятнинг хатосига айланиб улгурганидан кўз юмиб бўлмайди. Мисол учун, бир гуруҳ ўқувчи қизлар бир-бирини шафқатсизлик билан дўппослагани акс этган видеоларга ижтимоий тармоқларни ларзага келтирганини айтиш мумкин. Эҳтимол, биз, педагоглар ва жамоатчилик вакиллари ёшлар онгида бундай салбий ҳолатларга қарши туришга қодир, таъсирчан механизмларни шакллантириб, қўллай олганимизда вазият бу даражага бориб етмасди. Яъни ўқувчи қизларнинг баъзилари эс-хушини йғиб, можарони тўхтатарди. Муроса йўлини топарди. Жиллакурса, уяларди. Афсуски, бундай бўлмади. Бу ҳолат ҳаммамизни хавотирга солиши керак.



Тўғри, миллий педагогикада таъсирчан ҳамда самарали, таълим-тарбияни такомиллаштиришга хизмат қиладиган усул ва воситалар мавжуд. Бирок биз — педагоглар, олимлар ва жамоатчилик вакиллари ўзига, давлатга ва жамиятга нафи тегадиган инсонларни тарбиялаш борасида бирика олмаймиз. Ҳар ким ўзининг ишини қилсин, таълим-тарбия билан соҳа вакиллари шуғуллансин, бунга вақтимиз йўқ, дея ўта залварли ҳамда истиқболли вазифани аросатда қолдиримиз. Бундай сансоларлик барчамизга жуда қимматга тушаётган эса-да, муаммо ҳал бўлмай, очик қолмоқда.

Шу ўринда таълим-тарбия соҳаси вакиллари “Менга нима, қўлимдан келгани шу, даромадга яраша буромад”, деб ўзини четта олаётгани ҳам бор гап. Лекин биз “таълим-тарбия баъзи соҳалар каби тез натижа бермас-да, албатта, самарасини кўрсатиши шубҳасиз”, деган мантиқдан келиб



чиқиб ишлашимиз зарурлигини бугун даврнинг ўзи такозо этмоқда. Яъни одамларчилик билан боғлиқ покиза туйғулар болага фақат панд-насихат билан эмас, ҳаётий ибрат орқали ҳам сингдирилиши мумкин.

Умуман олганда, сифатли таълимдаги ҳалол меҳнат ҳеч қачон натижасиз қолмайди. Тўғри, айрим ҳолларда устоз, тарбиячи ва педагог расмий идоралар томонидан формал жиҳатдан мукофотланмас, лекин унинг камтарона ва ҳалол меҳнати, албатта, эътироф этилади. Ҳалол инсон, моҳир муаллим, янгиликлар билан ҳамнафас фидоий устоз сифатида эсланади. Аслида, устоз учун муносиб, олий мукофот ҳам шу эмасми?!

### Ҳалоллик бозорда сотилмайди

Сифатли таълимнинг натижаси давлат бошқаруви соҳасига кўчишни назардан қочирмаслигимиз керак. Агар фарзандларимизга миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида сифатли таълим беролсак, том маънодаги замонавий кадрларни тайёрлаган бўламиз. Айнан кадрлар ҳаётда кўп ишни ҳал қилиши дунё тажрибасидан маълум. Шу нуқтаи назардан, сифатли таълимнинг иккинчи босқичи ўзининг қўлама боис, алоҳида аҳамиятга эга. Гўдақлигидан ҳалол, фидоий устоз ёки тарбиячи қўлида юксак ҳулқ, тўрилик, адолат ва тафаккурга ўргатилган, қалби бутун боладан давлат ёки жамиятга катта наф бўлиши шубҳасиз.

Давлат бошқаруви соҳаси вакилларида жамиятда муайян тартибни белгилаш ёки унинг ижросини таъминлаш ҳамда яратилган қоидаларга амал қилинишини назорат этишдек масъулиятли вазифа юкланади. Яхши ўқиб тарбияланган шахс, табиийки, бундай масъулиятни тўғри ҳис этиб, унга оғишмай амал қилади. Яъни давлат хизматчиси ўз билими, тафаккури, мунтазам саъй-ҳаракати туфайли ҳаётда кадр топғач, маънавият ва маърифатни, таълим соҳаси вакиллари қадрлайди. Тор манфаат, мансабпарастлик, коррупция ва манманлик каби ҳалокатга етакловчи ҳолатлардан ўзини тияди. Чунки у сифатли таълимнинг биринчи босқичида қайд этилганидек, ўзига — инсонга — давлатга — жамиятга садоқатли муаллимдан таълим олиб, тарбия кўрган-да.

Ҳаётда муносиб ўрнини топган, халқпарвар ва адолатли раҳбарларга “мактаб кўрган, яхши тарбия олган, фаросатли, меҳнатқаш”, деб нисбат берилиши бежиз эмас. Бизнингча, бунинг сабаби ёшлиқда олинган сифатли таълим туфайли шахсий манфаатнинг давлат ва жамият манфаати билан уйғун шакллантирилгани билан боғлиқ. Натижада давлат хизматидаги бундай инсонлар ўз ваколати доирасида таълим-тарбия, илм-фан, маънавият-маърифат, адабиёт ва санъатнинг ривожига муносиб ҳисса қўшади.

### Миллий ривожланишнинг ягона воситаси

Сифатли таълимнинг натижаси инсон капитали билан мантиқан ва моҳиятан узвий боғлиқ. Гарчи унинг дастлабки босқичи таълим сифатини таъминлашдаги профессионалликка, кейинги босқичи эса давлатнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатини таъминлашга асослана-да, самараси бевосита инсон капитали билан боғлиқ. Бунинг маъноси шуки, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўсиб келаётган ёшлар ҳаётда муносиб ўрин топиши учун сифатли ҳамда замонавий таълим олиб, чуқур билим ва тафаккур, юксак ахлоқ ҳамда ҳалол меҳнат қилиши кераклигини билиши ва тан олиши муҳим.

Давр ўзгармоқда. Бугун бу тезкор ва шиддатли ҳаётда одамлар, давлатлар ҳамда жамиятлар ёхуд дунё ўзининг қатъий талабларини қўймоқда. Ушбу талаблар глобаллашув, иқтисодий-ижтимоий интеграциялашув ва техника тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Инсониятнинг онгу тафаккури, эҳтиёж ва талаблари ҳам ушбу



### БУГУННИНГ ГАПИ

Инсон капитали деганда, иқтисодий тараққиётнинг интенсификацияси ишлаб чиқариш омили, жамият ва оилани ривожлантириш, интеллектуал ва бошқарув фаолияти, яшаш ва иш жойидаги муносиб муҳит тушунилади. Чунки инсон капитали шахс эга бўлган билим, кўникма ва қобилиятлар йиғиндисигина эмас, балки тўпланган билим, малака ва қобилият захираси ҳисобланади. Бундай захира эса у ёки бошқа бир муҳитда инсон томонидан ижтимоий қайта ишлашга сарфланади ва меҳнат умумдорлиги ҳамда ишлаб чиқариш ўсишига замин яратади.

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИНТЕНСИВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ

**Аббор ЛАТИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали бош инспектори**

Ҳар қандай инсон капиталининг мукамаллиги унинг энг муҳим таркибий қисми бўлган таълим сифатига бевосита боғлиқ, албатта. Замонавий олий таълимга алоҳида уруғ берилар экан, энди давлат фуқаролик хизматида дипломли шахслар эмас, балки билимли, малакали, энг муҳими, янги давр руҳига мос фазилатларга эга, рақобатбардош кадрларга талаб юқори бўлади.

Ўз навбатида, тўпланган билим, кўникма ва қобилият захирасининг мақсадга мувофиқ ишлатилиши фаолият самарадорлигига, ходимнинг иш ҳақи, даромади ўсишига олиб келади.

Таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишига маблағ ажратиш инсон капиталига киритиладиган инвестицияларнинг муҳим қисмидир. Таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга монанд касбий тайёргарликка эга бўлган давлат хизматчилари фаолият кўрсатади ва шунга мос иқтисодий ўсишга эришади. Оқидий қилиб айтганда, таълим соҳаси иқтисодий ўсишнинг интенсификацияси қаролати демак.

Инсон ресурсларини ривожлантириш, жумладан, давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ўзгаришга ошириб бориш бугунги куннинг асосий талабларидан биридир.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Навоий вилояти филиали томонидан 2022 йилда давлат хизматчиларининг малакасини ва касбий салоҳиятини ўзгаришга ошириб бориш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Дастлаб ташкилотлар бўйича малака оширмаган давлат хизматчилари контингенти аниқланди. Уларнинг малакасини ошириш бўйича ойма-ой қилинадиган ишлар — “бўюртма портфеллари” шакллантирилди ва йил давомида улар махсус курсларда ўқитилди.

Жумладан, 601 нафар ўрта бўғин давлат хизматчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг Самарқанд вилоят филиалида малакасини оширди. 2590 нафар куйи бўғин давлат хизматчиси масофавий таълим платформаси орқали ўқиди.

Шунингдек, вилоят бўйича 3000 нафардан зиёд давлат хизматчиси ilm.uz электрон платформасидан фойдаланиб, ўз билимларини ошириб борапти.

### Камбағаллик шунчаки маблағ йўқлигини аниқлатмайди

Даромади аҳоли жон бошига тақсимланганда энг юқори даражага эга дунё давлатлари орасида табиий захиралари ниҳоятда кам мамлакатлар талайгина. Бундай мамлакатлар сафига Жанубий Корея, Япония, Швейцария, Дания ва бошқа давлатлари киритиш мумкин.

Айни дамда табиий захираларга ўта бой бир қатор мамлакатлар ҳам борки, уларнинг даромади аҳоли жон бошига тақсимланганда бирмунча паст. Бундан қуринадики, мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан меҳнат қилишнинг салоҳиятига, яратувчанлик қучига боғлиқ.

Ҳар бир жамият аъзосининг меҳнат ҳиссаси эвазига мамлакатни юксалтириш мумкинлигини Жанубий Корея, Сингапур, Германия ва Япония тажрибасида кўришимиз мумкин.

Жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳар бир кўшимча таълим йили инсон умумий даромадини ўртача 10 фоизга оши-



ришини кўрсатган. Албатта, ушбу жараёнда таълим сифатига эътибор ҳам муҳим ўрин тутди.

Таълимга киритилган инвестиция жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтиришга хизмат қилади. Кўпгина давлатларда нисбатан даромади юқори бўлган оилаларда туғилган фарзандлар болалигиданок имкониятлардан кенгроқ фойдаланиши сабабли бутун ҳаёти давомида кўпроқ афзаллик ва қўлайликларни қўлга киритади. Аксинча, даромади камроқ бўлган оилалар фарзандлари эса бундай имкониятлардан камроқ фойдаланади.

Ёшларни юқори малакали касб эгалари қилиб тайёрлаш Янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсатига айланган. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 30 фоизга етди. Олий таълим муассасалари сони эса қисқа муддатда қарийб икки баробарга ўсди.

Шунинг учун ҳам дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари инсон капиталини ривожлантиришда рақобатбардош ва мослашувчан таълим тизимларига ўтмоқда.

Бутун дунё бўйлаб барча олий таълим муассасаларининг меҳнат жамоалари ўз таълим муассасаларининг нуфузи, глобал рейтингда юқори ўринни эгаллаши учун курашади.

Навоий вилоятда фаолият кўрсатаётган иккита давлат олий таълим муассасаси — Навоий давлат коччилик ва технологиялар университети ҳамда Навоий давлат педагогика институти, шунингдек, 2 та нодавлат — Навоий инновациялар университети ва Profi University таълим муассасалари худуд ёшларнинг 12-15 фоизини қамраб олган.

Вилоят саноатлашган худуд ҳисобланиб, “Навоий” эркин иқтисодий зонасига Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой, Сингапур ва бошқа давлатлар инвестициялари жалб этилиши эвазига янги иш ўринлари ташкил этилаётган бўлса-да, малакали ва замон талабларига жавоб беришчи саноат, энергетика, инжиниринг, муҳандис технолог, IT дастурлашнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар етишмовчилиги сезилиб турибди.

### Саломатлик ҳам муҳим масала

Таълим билан бир қаторда инсон саломатлигига эътибор ҳам муҳим ҳисобланади. Бу билан касалликлар ва ўлимнинг қисқаришига, инсон умрининг меҳнатга лаёқатли қисми, шу билан бирга, инсон капиталининг фаолият кўрсатиши вақти узайишига эришилади.

Инсон саломатлиги табиий капитал бўлиб, бир қисми мерос, бошқа қисми эса инсоннинг ўзи томонидан ва жамият харажатлари натижасида олинади. Ҳаёти давом этар экан, инсон капиталининг емирилиши кузатилади. Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ инвестициялар эса бу жараёни секинлаштиради.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунда давлат фуқаролик хизматчиси табиий ҳизмат кўрсатиш ижтимоий ҳимоя чораси сифатида қафолатланган.

Шу мақсадда жорий йилнинг 7-10 февраль кунлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг 257 нафар ходими 20 га яқин тор йўналишдаги мутахассис иштирокида бирлик тиббий кўрикдан ўтказилди.

178 нафар ходим (157 эркак, 21 аёл)да ўн хилга яқин касалликлар аниқланди. Жумладан, 43 нафар ходимда оқват ҳазм қилиш органлари касалликлари, 36 нафар ходимда юрак-қон томир, хусусан, артериал гипертензия, 22 нафар ходимда асаб тизими, 21 нафар ходимда эндокрин ҳамда 15 нафар ходимнинг қон яратиш тизимида хасталик аломатлари маълум бўлди.

Аниқланган касалликлар хавф гуруҳи бўйича 4 та, яъни таянч, паст, ўрта ва юқори гуруҳга ажратилиб, барча ходимларга тиббий кўрик натижалари бўйича ҳулосалар ва зарур тавсиялар берилди.

Ўтказилган тиббий таҳлиллар, юзма-юз мулоқотлар ва қилинган ҳулосалар давлат хизматчилари фаолиятида соғлом турмуш тарзини қўллайди ҳаётга айлантириш ҳамда улар саломатлигини доимий назорат қилиб бориш зарурлигини кўрсатди.

Тиббий кўрик натижалари бўйича касалликлар аниқланган ходимларни даволаш, саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, жисмоний фаоллигини ошириш, шунингдек, “шахсий намуна” тамойили асосида ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ушбу ишларни амалга оширишдан асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришдир.

Хулоса қилиб айтганда, хомашё ва уни қайта ишлаш билан узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда кўшимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу боис, илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, таянчи бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз инновацион ривожланиши учун эса ҳар томонлама рақобатбардош, билимли ва малакали кадрлар, сифатли таълим беришчи олий ўқув юртилари ҳамда етакчи олимлар керак.

Юртимизда 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном берилгани бежиз эмас. Аслида, бундан кўзланган мақсад инсон капиталини ривожлантириш, таълим-тарбияни Янги Ўзбекистоннинг тамал тошига айлантиришдир.

## САНЪАТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

# Дубляж “ҚИРОЛИ”

## Болалиги Тошкентнинг Камолон маҳалласи — ҳозирги Миллий боғ атрофида ўтган соҳир овоз соҳиби Афзал Рафиқов



Муножат МҲМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

У ҳам авваллари чикиндилар уюмидан хунук кўриниш касб этган қадим қабристонлар ўрни, бутунги сўлим Адиблар хиёбонида тенгқурлар билан копток тепган. Ариқларда завқланиб оққан, қаттиқ нонни сувга оқизиб еган. Бир боланинг ёркин келажаги учун нимаики керак бўлса, ундан-да ортинги ота-онаси ҳаракатларида кўрган болакай қизиқиши, истаклари йўлида баъзан уларнинг раъйига қарши ҳам чиққан. Аммо бу қаршиликлар унинг ижод ва санъат оламида ўз ўрнини топишига, ҳалқимизнинг “дубляж қироли” деган эътирофига сазовор бўлишига монелик қилмади. Ўзбекистон халқ артисти, дубляж устаси Афзал Рафиқовнинг серкира фаолиятига назар ташлаш асносида дилдан суҳбатлашдик.

### Овознинг соҳирлиги дубляжнинг муваффақияти эмас

Яқинда Кинематография агентлиги ташаббуси билан Кинематографияни ривожлантириш маркази ҳузурида аввалги ўзбек дубляж мактаби аъёнларини давом эттирадиган дубляж мактаби, шу билан бирга, студия ташкил этилди. Унга яна бир турик афсона, олтин давр вақилиси, дубляж актрисаси Мукамбар Раҳимова раҳбарлик қилаётгани янада ҳайратланарли. Зеро, — эши тўқсонни қоралаб қолганида ҳам ёшларга таъриба ўргатиш, маҳорат мактабига раҳбарлик қилиш осон эмас. Энг муҳими, энди Кинематография агентлиги томонидан суратга олинган фильмларни шу ерда овозлаштириш имконияти мавжуд. Дубляжга қизиқувчилар мактабга келиб, профессионал дубляж усталаридан соҳа сир-асорларини ўрганиши мумкин.

Афзал Рафиқов дастлаб дубляж ва ўзбек дубляж мактабининг тақдирини, қолаверса, янги ташкил этилган мактаб истиқболини нечоғлиқ тасаввур қилиши ҳақида сўз юритди.

— Аввало, дубляж деганда нимани тушунами? Дейлик, бошқа тилда суратга олинган фильмни ўзбек тилига ўғирши жараёни. Илгари дубляж қилинган фильмларда тасвир, мусиқа, шовқин, актёрлар овози ёзилган кино-тасмалар алоҳида сақланар ва алоҳида ёзиларди. Оригинал актёрлар овози олиб ташланиб, ўрнига ўзбек актёрлариники қўйиларди. У чинакам, соф дубляж бўлади. Фильмни кўраётганда ўзбек тилида олинган деб ўйлаш — ўзбек дубляжнинг энг юксак ютуқларидан бири. Ўзбекистонда дубляж санъат даражасига кўтарилган бир пайтда “Ўзбекфильм” да илгари камида 60 та фильм ўзбек тилига ўғириларди. Баъдий жиҳатдан барча фильмлар сифати жуда юқори бўлган. Уша пайтларда Москва ёки Ленинградда Бутунитти-

фок дубляж фильмлар фестивали ўтказиб туриларди. Бизнинг фильмлар ҳеч қачон 1-2-3-уринлардан тушмаган. Сабаби, ўзбек дубляжнинг ўзига хос мактаби бор эди. Бу мактабни яратишда эса Абдулла Қаҳҳор каби атоқли адиблар иштирок этган. Режиссёрлар ҳам жуда маҳоратли бўлган. Зеро, дубляж режиссёрлиги бошқа режиссёрлик ишларидан фарқ қилади. Режиссёрдан экрандаги характерга айнан тушадиған актёрни топа билиш талаб қилинади. Фильм муваффақиятининг 60-70 фоизини тўғри тақсимот ҳал қилади. Илҳос Ёқубов, Софа Имомқулова, Эсон Каримов, Собит Саидов каби режиссёрлар бу борада гоят тажрибали эди. Улар танлаган овозлар экрандаги қаҳрамонларнинг ҳам ботини, ҳам зоҳирига мос тушарди. Бу дубляжга жуда муҳим. Қаҳрамоннинг характерига мос тушмаган овоз томошабининг ҳам гашига тегади.

Дубляжини актёрлик маҳорати бор одам қилиши керак. Бироқ овоз барибир биринчи ўринда туради. Овознинг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Инсоннинг овозини эшитиб туриб, у қандай одам, қиёфаси қандай, тахминан тасаввур қиласиз. Кўпинча бу тахмин 50 фоиз тўғри чиқади. Академика овоз берсангиз, овозингизда академикка хос салобат бўлиши керак. Бу хатти-харакатга қараб бўлади. Овоз ортда заковат, зеҳн, фаросат ҳам бўлиши керак.

Телевизион дубляжда оригинал овоз эшитилиб туради. Шунинг учун буни кадр ортдан синхрон таржима дейилса, тўғри бўлади. Бу икита ҳолатда актёрлар олдида турадиган вазифа қарама-қарши. Соф дубляжда актёр бор вужуди билан ролга кириб кетиши керак бўлса, телевидениеда вазифа бутунлай бошқача. Назаримда, телевизион дубляжда томошабинга фильмни кўришга ҳалал бермаслик керак. Таржима вақтида етказиб бериб турилса, бўлди. Томошабин фильмнинг ичига кириб кетса, қайси тилда эканини билмай қолса, айни мундоо. Телевизион дубляжнинг энг юксак чўққиси ҳам шунда. Баъзилар ўйлаганидек, телевизион дубляж осон эмас, аксинча, анча мураккаб. Бунда бир актёр баъзан ҳаммага овоз беришига тўғри келади. Масалан, “Морена Клар” сериалидаги барча эркакларга бир ўзим овоз берганман. Дубляжнинг бу усулида овозга бўлган талаб жуда юқори. Инсоннинг чеҳраси кинотасма, фототасмада ҳар хил кўрингандадек, овоз ҳам турлича. Микрофонга тушадиған ва тушмайдиған овоз бор.

Ўзбек дубляж мактабининг охириги битирувчилари Ойбарчин Бақирова билан мен бўлдик. Кимдир 10, кимдир 1-синфда қолиб кетди. Мактабни битириш билан фильмларда қаҳрамонларга овоз бериши керак эди. Энди оёққа туриб, бош қаҳрамонларга овоз бери бошлаганимизда, дубляжга эҳтиёж йўқолди. “Кинопрокат” деган ташкилотда чет элда яратилган фильмлар ўзбек тилига ўғирилиб, 16 миллиметрли тасмага кўчирилди, кўчма аппаратлар билан қишлоққа-қишлоқ юриларди. Одамлар кино кўргани қишлоқ марказларига жам бўларди. Дубляж шунинг учун керак эди.

Кейинги йилларда баъзан унут бўлган, баъзан эътиборсиз қолдирилган соҳалар Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланаётгани, таъбир жоиз бўлса, оёққа тураётганини кўриш кўнгилни кўтаради, кишига қувват беради. Масалан, аввалги ўзбек дубляж мактаби тикланаётган ва бу ишга Мукамбар опа бошчилик қилаётган экан, профессионал дубляж усталарини тарбиялаш мумкин. Қишқача айтаганда, дубляжнинг ипидан игнасигача билади. Бироқ уни аввалги даражага олиб чиқиш учун, албатта, матонат, сабр, вақт керак. Зеро, бугун санъат, маданиятга юксак эътибор қаратилади. Маданият ва санъат ҳодимлари кўни нишонланаётганининг ўзиёқ соҳа вакиллари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшгани аниқ.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтин!

“Дубляжга эҳтиёж йўқолганидан кейин овозлаштириш жараёни телевидениега кўчди. Биринчи овозлаштирилган фильм “Маҳобҳорат” бўлди. Дубляжга кўп талабгорлар орасидан Хожияқбар Нурматов, Римма Аҳмедова, Ойбарчин Бақирова ва мени қақришди. Ёшларга “Ушанда нега бизни қақришди, шунга ўйлаб кўринлар”, деб кўп айтаман, кетидан “Шу саволга жавоб топсангиз, дубляжда ишлайверсангиз бўлади”, деб қўяман.

### “Шу саволга жавоб топсангиз, бемалол дубляжда ишлайверинг”

Дубляжга эҳтиёж йўқолганидан кейин овозлаштириш жараёни телевидениега кўчди. Биринчи овозлаштирилган фильм “Маҳобҳорат” бўлди. Дубляжга кўп талабгорлар орасидан Хожияқбар Нурматов, Римма Аҳмедова, Ойбарчин Бақирова ва мени қақришди. Ёшларга “Ушанда нега бизни қақришди, шунга ўйлаб кўринлар”, деб кўп айтаман, кетидан “Шу саволга жавоб топсангиз, дубляжда ишлайверсангиз бўлади”, деб қўяман.

Уша саволимга ўзим жавоб берадиган бўлсам, юқоридаги 4 актёрнинг овози нейтрал овозлар эди. Соддароқ қилиб айтганда, тўрталламизнинг овозимиз универсал суюклик, яъни сувга ўхшайди. Доим ичмлади, лекин меъдага тегмайди. Негаки, овозлар бор, тингловчи биттасини зайтун ёғи, бошқасини намақоб, яна бирини бальзамдек қабул қилади. Уларни ҳамма ҳам, доим ҳам ичавермайди. Бундай овозлар ўз характеридан ролларга тушаверади. Характерига тескари ролларга дуч келганда оқизилиб қилиб қолади.

Телевидениеда Ботир Зокиров тўғрисида кўрсатув берилди. Кадр ортдаги овоз устиде аёл билан ўғлим тортишиб қолибди. Аёл билан мен эмаслигимни айтса, ўғлим кадр ортдаги овоз меники эканини айтиб, гаров бойлашишгача борган. Кечкурун келганимдан кейин ўзимдан сурашди. Ўғлим ҳақ эди. Ушанда онасини кроссовкага туширган. Нейтрал овозларни баъзан энг яқин кишилари ҳам ажрата олмай қолади. Мана нима учун қақришган бизни биринчи фильмга?! Талаб олинган бўлса-да, биз ҳам жуда қийналганимиз. Бир неча уринишлардан сўнг мослашганимиз телевизион дубляжга.

Сергей Герасимов суратга олган “Лев Толстой” фильмида эса сўнгги кўнларини яшаётган чоғга овоз беришим керак бўлди. 37 ёшда эдим. Биз кутган натижа ҳеч қачавермади-да. Бир пайт миямга қаердан буйруқ келди, билмайман, тик туриб гапирётган одам ўз-ўзидан тиззаларим буклиди. Шундай ҳолатда ўзимни гўё қари чолдек ҳис қила бошладим. Ёнимдагилар

ҳам бу ҳолатни тўғри қабул қилиб, микрофонни пастлатди. Шу тарзда Толстойга овоз берганман. Уйга қайтишда ҳам тиззаларимни букиб кетаётганимни билмай қолардим. Оила даврасида ҳам Толстойнинг оҳангига гапириб юборардим. Анчагача шу роль таъсирда юрганман.

Мустақилликдан кейин фильмлар кўлайиб, дубляжга одам етишмай қолди. Ахир 4 одам ҳаммасини удалай олмайди-ку... Қўлидан келса-келмаса, дубляжга аралашадиганлар пайдо бўлди.

Бир кўни ишдан чиқсам, бир йигит билан қиз турибди. Мени кутиб туришган экан. “Дубляж билан шуғулланмоқчи эдик”, дейишди. Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари экан. Сифат, талаб туриб кетгани учун оддий одамлар ҳам дубляжга қизиқиб кетди-да. Тўғри, ўзбек дубляжи тарихида актёр бўлмай туриб ҳам муваффақиятга эришганлар бўлган. Лекин улар бармоқ билан санарли. Театр ва рассомлик институти ўқитувчиси Омон Абдуразақов кинода бош қаҳрамонларга овоз берган. Албатта, ўқитувчилиги учун маҳорати ҳам етарли бўлган. Дилдора Рустамова. Ҳазир журналист бўлса-да, дубляжнинг эстагани маҳкам тутди. Жуда тиришқоқ. Овози ҳам ёқимли.

### “Актёрнинг ютуғи — томоша залининг сукутга чўмиши”

Суполамизнинг санъатга муносабати мени ҳам шу соҳага яқинлаштирган бўлса керак. Дадам гижжак, онам дутор чалган. Тоғаларим оилавий йиғинларда чоғу чапиб, ашула айтган. Хуллас, санъат ҳаётимизнинг ажралмас қисми, узис инсон инсон эмас, деган тушунча барчамизда бор эди. Ишонасизми, 9 ёшимда радиодан рубоб оҳангини эшитиб, рубобга ишқим тушиб қолган. Мусиқа мактабда рубоб бўйича таҳсил олганман. Бир кўни мактабда меҳнат дарсида тахта араллаётиб, қўлим электр арағга кириб кетди. Кўрсаткич бармоғимдан айрилди, жимжилоғимни шифокорлар тикиб қўйди, кафтим ёрилди. Ҳали жароҳатим битмаган бўлса-да, “Оромижон” кўйини чалиб, рубобдан имтиҳон топширганман.

Техникумнинг 3-босқичида ўқиётганимда газетада Театр ва рассомлик

институтининг эълонига кўзим тушиб қолди. Драма ва кино актёри мутахассислиги бўйича қабул қиламиз, дейилган экан. Шундан сўнг мана шу институтга кираман, деб туриб олдим. Чунки илгариги тушунчам бўйича актёр бўлиб туғилиш керак, унга ўқиб бўлмайди, деб юрардим.

Икки йиллик ҳаракатдан сўнг учинчи йили институтга сиртки бўлимга қабул қилиндим. Сиртдан ўқиш баробарида ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида дастлаб саҳна ишчисини бўлиб ишладим. декорациялар курдим. Олим Хўжаев, Сора Эшонтураева, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳоновнинг қандай ишлаётганини кўрдим ва бу менга жуда катта мактаб бўлди. Кейин режиссёр ёрданчиси, труппа бошлиғи лавозимларига кўтарилдим. Актёрлик ҳам қила бошладим. Ташқи кўринишим ўзбекона бўлмаса-да, нутқим чинакам ўзбекча хос эди. Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева саҳна нутқидан биринчи устозим бўлган. Шунга англадимки, саҳнага чиққан актёр инсон сифатида шакс бўлмаса, томошабинга ролини еткази олмайди. Баъзан саҳнадаги воқеалар ростдан бўлаётгандек туюлади. Бу жуда ноёб ҳолат, ролга бутун вужуд билан кириб кетишининг натижаси. Шундай пайтда шу касбни танлаганимдан, қилаётган меҳнатингдан хурсанд бўлиб кетасан. Томоша залининг сукутга чўмиши — актёрнинг муваффақияти. Бунда томошабинни истаган кўйга солиш мумкин. Ундан-да юқори чўққи ҳам бор, у камдан-кам одамга nasib этиди. Бу — худди дубляжга каби актёрни энг яқин одами ҳам танимай қолиши.

### “Осилсанг, баланд дорга осил...”

1990 йилда ариза ёзиб, театрдан кетмоқчи бўлиб тургандим. Устозим Баҳоқир Йўлдошев “Шоша, труппа “отпуски”дан келсин”, деди. Труппанинг келишини куттишга рози бўлдим. Чунки шу пайтгача ижро этган ролларимдан сира қониқмаётгандим. Сергей (“Ичкўёв”), Блохников (“Руйхатларда йўқ”), Долгов (“Абай”), Александров (“Тирки мурда”) сингари фақат рус қаҳрамонларини ўйнадим. Бунақада мен ўзбек томошабини кўнглига йўл топа олмайман, мендан миллий қаҳрамон чиқмас экан, дедим. Мен ҳам миллий қаҳрамонларини ўйнашим керак эди, ахир ўзбек халқининг фарзанди бўлсам.

Баҳоқир ака масалани бутун жамоага ташлади. Ҳамкасбарим мени роза қойди. Орадан 2 кун ҳам ўтмай, эълон ёзиб қўйишди. Шухрат Ризаевнинг “Искандар” пьесаси саҳналаштирилади, Навоий ролда Ёдгор Саъдиев, Афзал Рафиқов, дейилган эди. Қотиб қолдим. Менга ҳеч қачон ўзбек қаҳрамони берилмаганди. Бирор ўзбек қаҳрамони бўлса бўлди, дегандим. Яна биратўла Навоий-а? “Осилсанг, баланд дорга осил”, деганди ушанда устозим. Афзалдан қанақа Навоий чиқади, ташқи кўриниши ҳам тўғри келмайди-ку, деганлар бўлди. Ростки, ҳеч қим Навоий ролини ижро этишимиз тасаввур қилмаган-да. Бундай юксак ишончдан куч олиб, бутун вужудим билан Навоий сиймосини гавдалантиришга киришдим. Одатда ҳозиргача менга қайси роль берилмасин, унга институтни энди битирган талабадек ёндашишга ҳаракат қиламан.

Хайрият, Чорсудаги китоб дўкониде “Хамса”нинг беш достони ҳам бор экан. Яна насрий баёни билан. Баҳоқир Йўлдошев ҳозирги Миллий университетдан арузни яқин билладиган адабиётшуноси тақлиф қилди. Мактаб ўқувчиси сингари дафтар тутиб, доскага ёзиб, Навоий асарларини аруз қойдаси бўйича ўқишни ўргандик. 1991 йилнинг 21 мартда премьера бўлди. Назаримда, баъзилар ўйлаганидек эмас, туппа-тузук Навоий чиқди. Армоним ушамди. Мен унинг асарлари билан ўзлигимга қайтдим. Қайси тамаддун вақили эканимни билдим, ҳаётим бутунлай бошқа томонга ўзгарди. Навоийнинг қудрати шу қадарки, агар унинг бир байтини беш адабиётшуноса таҳлил қилиш учун берсангиз, беш хил жавоб бўлади ва энг қизиги, бешови ҳам асосли, мантқиқли. Яна унинг қудрати шуки, оркестр билан

узундан-узоқ ўқганимда ҳам томошабин зерикмайди, бутун диққатини Навоийнинг сўзларини англаб етишга қаратади.

Ҳазратнинг 580 йиллигига Рус академик драма театрида “Хайрат ул-аб-рор”ни рус тилида саҳналаштирдик. Томошабин тушунмаса керак, дидактик асар бўлса, панд-насихат кимга ёқади, деб ўйлагандим. Не ажабки, томошабин жуда яхши қабул қилди. Коллеж ўқувчилари ҳам жим ўтириб эшитди. Албатта, бу буюк аждоғимиз сатрлари замиридаги оҳанрабодан бўлса керак.

### Орзум рўёби, ҳаётимнинг мўъжизаси

Суҳбат сўнггида Афзал акадан Қуръони қаримнинг ўзбекча аудиосини тайёрлаш жараёни ҳақида сўрадик.

— Биринчи марта Қуръон тилловини 14 ёшимда қабристонда — бувимнинг дафн маросимиде ашитганман. Қўзи ожиз бир қори бор эди. Жуда чиройли тиловат қилган. Ҳамон қўлгимда жаранга-лайди. Қуръон ўқишга, сураларни қироат билан айтишга қизиқиб қолганман.

1991 йили Қуръоннинг биринчи ўзбекча матни чиққан. Рамазон ойида саҳарликда Аловуддин Мансур таржима қилган Қуръони қарим маъноларини ўқирдим. Шундан Қуръонни микрофонда ўқиш, аудио қилиш истаги дилгимга тушган. Узоқ вақт хомий қилардим. Ҳатто Миср Араб Республикаси вакилининг олдида ҳам бордим. Чунки “Муҳаммадур расулulloх” фильмининг улардан олгандик-да. У ҳам розилик бермади. Хомий топа олмадим. Орадан 16 йил ўтиб, 2007 йилда “Синема маркет” раҳбари кўнгирак қилди. Аҳмаджон деган бу йигит Қуръони қаримнинг аудиосини тайёрлатмоқчи эканини эшитиб, дарҳол етиб бордим. Улар менга Аловуддин Мансурнинг эмас, Абдулазиз Мансур таржимасини бериб, шунчаки ўқимадим, актёрлик маҳоратини ишга солидим. Аллоҳ номидан келганида бошқача, пайгамбарнинг сўзларини бошқа оҳангда, одамларнинг гапларини оддий одамларга хос тарзда беришга ҳаракат қилдим. Зеро, халқимизга матни қуруқ берилса, ҳиссиёт билан берилса, кучли таъсир қилар экан.

Қуръон сураларининг араб тилида жуда гўзал эшитилишига махлўб бўлганимда, ўзбек тилида қандай жаранларкан, деб қизикардим. Аудио вариантини тайёрлаб, мана шу саволимга жавоб топгандай бўлдим. Бу энг катта орзумнинг рўёби, ҳаётимнинг мўъжизаси бўлди.

\*\*\*

Афзал Рафиқовдан келажакдаги орзуларини ҳақида сўрадик. Чунки у орзуларини сир туттишни яхши кўрадиган инсон.

— Дунёдан ўтганимдан 50 йилдан кейин ҳам мени эслаша, нимадир қилган бўлсам керак, — дейди у. — Алишер Навоийни қарий олти асрдан бўён эслаймиз. Мана, чинакам умр, айримларгагина бериладиган неъмат.

Афзал Рафиқов ота-онасини эл назарига тушишдек ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахтининг меъморлари деб билади.

Театр институтига кираётганида эркин мавзуда ишче ёзган ёш, навқирон Афзал Рафиқов уша ишгоа ички ҳиссиётларининг барини туширар экан, “Ўзбек театри санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб, ана шу санъат китобида ўзимнинг саҳифамга эга бўлиш”, деган жумлани хулоса сифатида ёзган эди...

Қандай қаҳрамон қиёфасида бўлмасин, у нафақат театр, кинода ҳам ўз саҳифасига эга бўлди. Лекин ўзи айтганидек, кино ва театр усталари эътироф этган ролларини ҳам Яратган берган бетакдор, соҳир овозининг кучи ижобий маънода “эзиб қўйди”, холос. Шоирнинг “Тиллардан тилга кўч тирки достондай”, деган сўзларини унинг ўзи гоят таъсирчан оҳангда ўқиганидек, Афзал Рафиқов номи ўзбек дубляжи тарихида қолади, овози келгуси авлодлар томонидан ҳам севиб тингланади, тиллардан тилларга кўчади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан руйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.  
13625 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов  
Мусахҳиж: Рашид Хўжаков  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилнинг:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА яқини — 22:55 Топширилди — 00:10